

“РЎЙХАТГА ОЛИНГАН”

Тадбиркорлик субъектларини
рўйхатга олиш Урганч шаҳар
инспекцияси

Инспекция бошлиғи

2014 йил 24 сентябр

М.ў

P. N. SLL

“ТАСДИҚЛАНГАН”

“YUGGAZSTROY”
aktsiyadorlik jamiyati
акциядорларининг 2014 йил
12 сентябрдаги умумий йиғилиши
томонидан

(ИМЗО)

М.ў

“YUGGAZSTROY” aktsiyadorlik jamiyati УСТАВИ

Урганч шаҳри –2014 йил

SLL

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. “YUGGAZSTROY” aktsiyadorlik jamiyati (бундан кейин “Жамият”), жамият таъсисчиларининг 1994 йил 24 декабрдаги умумий йиғилиши баёни, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитасининг 1994 йил 16 ноябрдаги 701/к-ПО –сонли буйруғи асосида ташкил қилинган ва Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни (06.05.2014й. ЎРҚ-370-сон)га асосан қайта ташкил қилинган.

1.2. Жамият ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни (06.05.2014й. ЎРҚ-370-сон) ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ олиб боради.

1.3. Жамиятнинг тўлиқ фирма номи:

-Ўзбек тилида: – “YUGGAZSTROY” aktsiyadorlik jamiyati

-Рус тилида: – акционерное общество «Юггазстрой».

Жамиятнинг қисқартирилган номи:

-Ўзбек тилида: – “YUGS” AJ

-Рус тилида: – АО «ЮГС».

1.4. Жамиятнинг жойлашган ери (почта манзили):

-Ўзбекистон Республикаси, Хоразм вилояти, Промышленная кўчаси, 9 уй.

Индекс: 220100.

1.5. Жамиятнинг электрон почта манзили: <http://www.ugs.uz>

1.6. Жамиятнинг расмий веб-сайти: info@ugs.uz

1.7. Жамият тизимида юридик шахс мақомига эга бўлган, банкларда ҳисоб рақамларига, СТИРга эга бўлган, тамомланган балансни ишлаб топширадиган куйидаги корхоналар киради:

-“Хиванефтгазқурилиш” унитар корхонаси

-“Хивамахсусэлектромонтажсозлаш” унитар корхонаси

-“Жанубгазйўлқурувчи” унитар корхонаси

-“Жанубгазавтохизмат унитар корхонаси

-“Жанубгаз бутлаш ва қурилиш қурилмалари” унитар корхонаси

-“Юггазспецмонтаж” унитар корхонаси

-“Устюртгазпромстрой” маъсулияти чекланган жамияти

1.8. Жамият унитар корхоналари ва маъсулияти чекланган жамияти жамият бошқаруви томонидан тасдиқланган ва тегишли тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган Уставлар асосида фаолият юритади.

Жамият унитар корхоналари ва маъсулияти чекланган жамияти директорлари жамият Бошқаруви раиси томонидан тайинланадилар ва вазифасидан озод қилинадилар.

2. АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ

2.1. Жамият юридик шахс бўлиб, у ўз мустақил балансида ҳисобга олинадиган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан, ўзининг устав фондига (устав капиталига) берилган мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулккий ва шахсий

номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади. Жамият чекланмаган муддатга тузилади.

Жамият Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида банк ҳисобварақлари очишга ҳақлидир.

Жамият ўзининг ташкилий-ҳуқуқий шакли кўрсатилган тўлиқ фирма номига ва қисқартирилган фирма номига эга бўлади.

Жамият ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган ери кўрсатилган юмалоқ муҳрга эга бўлади. Муҳрда бир вақтнинг ўзида фирманинг номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин.

Жамият ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, байроғига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.

Жамиятнинг жойлашган ери у давлат рўйхатидан ўтказилган жойга кўра белгиланади.

Жамият у билан алоқа амалга ошириладиган почта манзилига ва электрон почта манзилига эга бўлиши лозим.

2.2. Жамият ўзининг ва у томонидан ташкил этиладиган корхоналар мулкнинг эгасидир.

2.3. Жамият ишлаб чиқариш фаолиятини, жамоанинг ижтимоий ривожланишини мустақил белгилайди.

Иш юритиш ўзбек ва рус тилларида амалга оширилади.

3. ЖАМИЯТ МАҚСАДИ ВА ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИ

3.1. Жамиятнинг мақсади ишлаб чиқаришни ривожлантириш, жамғармалар ташкил этиш, дивидентларни тўлаш ва ижтимоий сохани ривожлантириш учун даромад олишдир.

3.2. Жамиятнинг асосий фаолият турлари қуйидагилардан иборат:

- ёқилғи-энергетика мажмуалари объектлари, ижтимоий объектларни белгиланган муддатларда, сифатли ва кам харажатли қуриш ва фойдаланишга топшириш;

- замонавий қурилиш техникалари, материаллари ва технологиясига асосан қурилишнинг янги прогрессив йўналишларини ҳаётга татбиқ қилиш;

- жамиятнинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиб ҳаётга татбиқ қилиш;

- маркетингни амалга ошириш;

- капитал таъмирлаш ва қурилиш ишларини амалга ошириш;

- аудиторлик, лизинг, консальтинг ва бошқа ижтимоий хизматларни амалга ошириш;

- қурилиш объектларини қуришда чет эл компаниялари билан ўзаро техник ва иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш;

- инвестициявий фаолиятни амалга ошириш;
- ҳалқ истеъмоли товарлари ва бошқа хил товарларни ишлаб чиқариш ва сотиш;
- ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш;
- Ўзбекистон ва чет эллар ҳудудларида қонунчиликда таъқиқланмаган фойда келтирувчи фаолият турлари билан шуғулланиш;
- қурилиш объектларининг лойиха смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш;
- Автотранспортда юк ва йўловчи ташиш хизматларини кўрсатиш;
- кўтарма техник транспорт хизматларини кўрсатиш;
- қурилиш ва бошқа материалларни ишлаб чиқариш ва сотиш;
- йўлларни қуриш;
- савдо сотиқ ва тайёрлов операциялари билан шуғулланиш;

3.3. Жамият қонунларда тақиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланиш ҳуқуқига эга.

3.4. Махсус рухсатномалар асосида олиб бориладиган фаолият турлари қонунларда белгиланган тартибда рухсатномалар, лицензиялар олингандан кейин амалга оширилади.

3.5. Жамият тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- бўш маблағларини ўзбек ва чет эл ташкилот ва корхоналари фаолиятига жалб қилиш, қўшма корхоналар тузиш;
- ишлаб чиқариш, савдо сотиқ ва илмий-техникавий фаолиятларни инвестициялаш;
- янги молия-кредит, муҳандислик ва ишлаб чиқариш тизимларини ташкил этиш;
- томонларнинг ўзаро келишувларига асосан Ўзбекистон Республикаси ва чет эллар фуқароларини ишга жалб этиш;
- пудрат шартномаларига кўра жамоалар ва айрим шахсларни ишга жалб қилиш;
- жамият мутахассисларини ишлаш ва малака ошириш учун чет элларга хизмат сафарига юбориш;
- жамият акциядорлари ва ишчилари ижтимоий химоясини таъминлаш мақсадида дам олиш, ёрдамчи хўжаликлар ва муассасаларни ташкил этиш ёки ижарага олиш;
- жамият филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналар очиш;
- акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамият шаклидаги шўъба ва тобе хўжалик жамиятлари ташкил этиш;

Филиаллар ва ваколатхоналар, акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамият шаклидаги шўъба ва тобе хўжалик жамиятлари раҳбарлари жамият бошқаруви раиси томонидан лавозимларига тайинланадилар ва озод қилинадилар.

4. ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ ФОНДИ (УСТАВ КАПИТАЛИ), ЖАМИЯТНИНГ АКЦИЯЛАРИ. ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИНИ (УСТАВ КАПИТАЛИНИ) КЎПАЙТИРИШ ВА КАМАЙТИРИШ

4.1. Жамиятнинг Устав фонди номинал қиймати 5000 сўмдан бўлган, эгасининг номи ёзилган оддий 144 592 та акцияларга бўлинган 722 960,0 минг сўми ташкил қилади.

Устав фондининг тақсимооти қуйидагича:

-“Узнефтегазстройинвест” акциядорлик компаниясининг хиссаси – 51,18 фоизни ташкил этувчи эгасининг номи ёзилган оддий 74005 та акцияларга бўлинган 370 025,0 минг сўм;

- меҳнат жамоасининг хиссаси – 10 фоизни ташкил этувчи эгасининг номи ёзилган оддий 14459 та акцияларга бўлинган 72 295,0 минг сўм;

- эркин савдодаги ва инвесторлар хиссаси – 38,82 фоизни ташкил этувчи эгасининг номи ёзилган оддий 58 128 та акцияларга бўлинган 280 640,0 минг сўм

4.2. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) акцияларнинг номинал қийматини ошириш ёки қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) акцияларнинг номинал қийматини ошириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

4.3. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан, акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда жамият томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинаётганда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав фондини (устав капиталини) камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

5. ЖАМИЯТНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ ВА ТИЗИМИ

5.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши, кузатув кенгаши ва ижроия органи – Бошқарув ва Бошқарув раиси жамиятнинг бошқарув органларидир.

6. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

6.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини жамият кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, жамият кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

Жамият ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси ва тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

6.2. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;

жамиятни қайта ташкил этиш;

жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

жамият кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш;

ўз акцияларини олиш;

жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш) ва раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини (тафтишчисини) сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси (тафтишчи) тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

жамиятнинг йиллик ҳисоботини, йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;

жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

жамият кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан, жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) хулосаларини эшитиш;

жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан, акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

қимматли қоғозларнинг хосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғриси»даги қонуннинг 35-моддасида назарда тутилган қарорни қабул қилиш;

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғриси»даги қонуннинг 34-моддасига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (қимматли қозғаларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш;

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғриси»даги қонуннинг 8 ва 9-бобларида назарда тутилган ҳолларда жамият томонидан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар жамиятнинг ижроия органи ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

6.3. Агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами эллик фоиздан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун кворум бўлмаса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш санаси эълон қилинади. Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказишда кун тартибини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

Овозга қўйилган масала бўйича акциядорлар умумий йиғилишининг қарори жамиятнинг овоз берувчи акциялари эгалари бўлган, йиғилишда иштирок этаётган акциядорларнинг кўпчилик (оддий кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

6.4. Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул қилишга, шунингдек кун тартибига ўзгартишлар киритишга ҳақли эмас.

6.5. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш яқунлари бу қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай акциядорлар эътиборига етказилади.

6.6. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгаллик қилувчи акциядорлар (акциядор) жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин ўттиз кундан кечиктирмай, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

Акциядорлар (акциядор) жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) ўзлари кўрсатган номзодлар рўйхатига акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай ўзгартишлар киритишга ҳақли.

6.7. Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига масала уни қўйиш сабаблари, масалани киритаётган акциядорларнинг (акциядорнинг) исми-шарифи

(номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда киритилади.

6.8. Жамиятнинг кузатув кенгаши тушган таклифларни кўриб чиқиши ҳамда 6.6. модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида белгиланган муддат тугаганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай уларни акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритиш тўғрисида ёки мазкур кун тартибига киритишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши шарт. Акциядорлар (акциядор) томонидан киритилган масала акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига, худди шунингдек кўрсатилган номзодлар жамиятнинг кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритилиши керак, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

-Уставнинг 6.6. моддасининг биринчи қисмида белгиланган муддатга акциядорлар (акциядор) томонидан риоя этилмаган бўлса;

акциядорлар (акциядор) жамиятнинг ушбу модда биринчи қисмида назарда тутилган миқдордаги овоз берувчи акцияларининг эгаси бўлмаса;

-Уставнинг 6.7. моддасида назарда тутилган маълумотлар тўлиқ бўлмаса;

-таклифлар «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғриси»даги қонун талабларига мувофиқ бўлмаса.

6.9. Жамият кузатув кенгашининг масалани акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига ёки номзодни жамият кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тўғрисидаги асослантирилган қарори масалани киритган ёки таклиф тақдим этган акциядорларга (акциядорга) қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай юборилади.

Жамият кузатув кенгашининг масалани акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига ёки номзодни жамият кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

6.10. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан уч иш куни олдин шакллантирилган жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.

6.11. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи акциядор томонидан шахсан ёки унинг вакили орқали амалга оширилади. Давлат вакилининг акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи шахсан унинг ўзи томонидан амалга оширилади.

Акциядор акциядорларнинг умумий йиғилишидаги ўз вакилини исталган вақтда алмаштиришга ёки йиғилишда шахсан ўзи иштирок этишга ҳақлидир.

Акциядорнинг вакили акциядорларнинг умумий йиғилишида ёзма шаклда тузилган ишончнома асосида иш юритади. Овоз беришга доир ишончномада ваколат берган ва вакил қилинган шахс тўғрисидаги маълумотлар (исми-шарифи ёки номи, яшаш жойи ёки жойлашган ери, паспортига оид маълумотлар) бўлиши лозим. Жисмоний шахс номидан берилган овоз беришга доир ишончнома нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши керак. Юридик шахс номидан овоз беришга доир

иншоннома унинг раҳбарининг имзоси ва ушбу юридик шахснинг муҳри билан тасдиқланган ҳолда берилади.

6.12. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш "жамиятнинг овоз берувчи битта акцияси - битта овоз" принципи бўйича амалга оширилади, жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш бўйича кумулятив овоз беришни ўтказиш ҳоллари бундан мустасно.

6.13. Акциядорларнинг умумий йиғилишида кун тартиби масалалари бўйича овоз бериш овоз бериш бюллетенлари орқали амалга оширилади.

Овоз бериш бюллетенларининг шакли ва матни жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши жамият кузатув кенгаши томонидан чақирилмаган ҳоллар бундан мустасно. Овоз бериш бюллетени умумий йиғилишда иштирок этиш учун рўйхатдан ўтган акциядорга (унинг вакилига) берилади.

6.14. Умумий йиғилиш ишчи органлари «Акциядорларнинг умумий йиғилиш тўғрисида»ги Низом талабларига асосан очик овоз бериш йўли билан сайланади.

Овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

6.15. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра унинг ўз ташаббуси асосида, тафтиш комиссиясининг (тафтишчининг) ёзма талаби, шунингдек ёзма талаб тақдим этилган санада жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби асосида ўтказилади.

Жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талабига кўра акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш ҳақида ёзма талаб тақдим этилган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.

6.16. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида етти кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан ўттиз кун олдин жамиятнинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

6.17. Умумий йиғилишга тайёргарлик кўриш, Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар қилиш усуллари, умумий йиғилишни ўтказиш тартибларини белгилаш борасида қарор қабул қилиш, санок комиссиясини тузиш ва унинг функциялари, умумий йиғилиш қарорларини қабул қилиш ва баённомани юритиш тартиблари "YUGGAZSTROY" АЖ акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисида"ги Низом асосида амалга оширилади.

7. ЖАМИЯТНИНГ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

7.1.. Жамиятнинг кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

7.2. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради: жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш; акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, бундан «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғриси»даги қонунининг 65-моддаси ўн биринчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно;

акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғриси»даги қонуннинг 59-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошисида назарда тутилган масалаларни акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;

жамиятнинг устав фондиди (устав капиталини) кўпайтириш масалаларини, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондиди (устав капиталини) кўнайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш;

қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш, уларга ўзгартиришлар киритиш, қимматли қоғозлар чиқариш услубини ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилиш;

мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан, акцияларга айирбонланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғриси»даги қонуннинг 34-моддасига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш

жамиятнинг йиллик бизнес-режасини маъқуллаш. Бунда жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси жамият кузатув кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъқулланади;

корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш, агар жамият уставига бундай лавозимни жорий этиш назарда тутилган бўлса;

ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чорақда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан тўқиб қўйилган фойдаланиш ва жамият кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш;

ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорларини белгилаш;

дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

жамиятнинг шўба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғриси»даги қонуннинг 8 ва 9-бобларида назарда тутилган ҳолларда битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;

жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғриси»даги қонуннинг 34-моддасига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

жамиятнинг ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш), раҳбарининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

жамият номидан жамияти бошқаруви аъзолари ва Бошқарув раиси билан шартнома(контракт) тузиш ёки Бошқарув раисига Бошқарув аъзолари билан бир йиллик шартномалар (контракт) тузиш ҳақида топшириқ бериш;

ҳар чорақда Бошқаруви раиси ва аъзоларининг ҳисоботларини эшитиб бориш, жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажарилишида кўпол хатоларга йўл қўйган Бошқарув раиси, аъзолари билан шартномаларни бекор қилиш;

жамият Бошқаруви аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорларини белгилаш;

“YUGGAZSTROY” АЖнинг меҳнатни муҳофаза қилиш жамғармаси ва унинг маблағларидан фойдаланиш тўғрисида”ги Низомни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун жамиятнинг ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

7.3 Кузатув Кенгаши бир йил муддатга сайланадиган 9 нафар аъзолардан иборат.

7.4. Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилиши сайланади.

Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўнайтирилади ва акциядор шу тарихда олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли.

Ушбу кўп овоз тўплаган номзодлар жамият кузатув кенгашининг таркибига сайланган деб ҳисобланади.

7.5. Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоларига жамият акциядорларининг умумий йиғилиши қарори билан уларга хизмат вазифаларини бажариши жараёнида белгиланган миқдорда ҳақ ва компенсациялар тўланиши мумкин.

Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари «Жамият Кузатув Кенгаши ҳақида»ги Низомга асосан жамият акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан белгиланади.

7.6. Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.

7.7. Жамият кузатув кенгашининг раиси кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади.

Жамиятнинг кузатув кенгаши ўз раисини кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақли.

Жамият кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қилади.

Жамият кузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

7.8. Жамият кузатув кенгашининг мажлиси кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, жамият кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси (тафтишчисининг), ижроия органи аъзосининг, шунингдек жамият уставида белгиланган бошқа шахсларнинг талабига кўра чақиради.

Жамият кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум жамият кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

7.9. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғриси»даги қонунининг 18-моддаси иккинчи ва тўртинчи қисмларида кўрсатилган масалалар бўйича қарор жамият кузатув кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади.

Жамият кузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади.

Жамият кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган тақдирда кузатув кенгаши томонидан қарор қабул қилишда жамият кузатув кенгаши раиси ҳал қилувчи овоз ҳуқуқига эга.

7.10. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай тузилади.

Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;

мажлисда ҳозир бўлган шахслар;

мажлиснинг кун тартиби;

овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якушлари;

қабул қилинган қарорлар.

Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган жамият кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни жамиятнинг ижроия органига ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот жамиятнинг ижроия органига кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.

7.11. Жамият кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) жамият кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

7.12. Жамият кузатув кенгаши ўз фаолиятини Мазкур Устав ва жамият акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган “YUGGAZSTROY” АЖ акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисида”ги Низом асосида амалга оширади.

8.ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИ.

8.1. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш ваколати жамият Кузатув Кенгаши томонидан 1(бир) йил муддатга тайинладиган 11 кишидан иборат бўлган жамият бошқаруви ва Бошқарув раиси томонидан амалга оширилади.

8.2. Жамият Бошқаруви раиси Кузатув Кенгаши эътиборига ўрни бўшаб қолган Бошқарув аъзолигига номзодларни таклиф қилишга ҳақли. Бошқарув аъзолигига номзод ўзининг жиноий , маъмурий ва бошқа жавобгарликга тортилганлиги ҳолати ҳақида хабар қилишга мажбур. Кузатув Кенгашининг раиси номзодлар масаласини муҳокама қилиш жараёнида у билан тузилажак шартнома шартлари билан, унга тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорларини номзодни таништиради ва номзоднинг ўзининг розилигини ўрғанади.

Бошқарув аъзолигига номзодлар тўғрисидаги қарор Кузатув Кенгаши томонидан оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

8.3. Жамият ижроия органининг ваколатига жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар умумий

Ўшбу қонуннинг ёки жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар бундан мустасно.

8.4. Жамиятнинг бошқаруви ваколатига қуйидагилар киради:

жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш;

акциядорлар умумий йиғилишининг ва жамият кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этиш;

ўз ваколатлари доирасида жамият мулки ва пул маблағларини бошқариш;

жамият тизимига кирувчи бўлимлар Низомларини тасдиқлаш;

акциядорлар умумий йиғилиши ва жамият кузатув кенгаши ваколатларига кирувчи масалалардан ташқари ички норматив ҳужжатларни тасдиқлаш;

жамият филиаллари ва ваколатхоналари, шўъба ва тобе хўжалик жамиятлари, унитар корхоналари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар, буйруқлар ва фармойишлар қабул қилиш;

жамият филиаллари ва ваколатхоналари, шўъба ва тобе хўжалик жамиятлари, унитар корхоналари фаолиятлари йўналишларини белгилаш, бизнес-режалари ва ҳисоботларини тасдиқлаш;

бўлимлар, жамият филиаллари ва ваколатхоналари, шўъба ва тобе хўжалик жамиятлари, унитар корхоналари Низом ва Уставларини тасдиқлаш;

тизимдаги корхона ва ташкилотларнинг самарали фаолиятини таъминлаш;

жамият бизнес-режасини ишлаб чиқиш ва бажарилишини назорат қилиш;

жамиятда ҳаққоний бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш, йиллик ва бошқа ҳисоботларни ўз муддатларида тегишли ташкилотларга топширилишини, жумладан жамият акциядорларига тақдим этиладиган жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотларни тақдим этилишини ташкил этиш;

баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг ўн беш фоизгачасини ташкил этувчи мол-мулк ҳусусида битим тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш;

хизмат ва тижорат сири ҳисобланган маълумотларни сақланишини таъминлаш (тижорат ва хизмат сири ҳисобланган маълумотлар рўйхати жамият Бошқаруви томонидан белгиланади);

жамиятни малакали кадрлар билан таъминлаш, уларнинг билим ва малакаларидан мумкин қадар самарали фойдаланиш чора тадбирларини кўриш;

жамият ишчи ходимларининг меҳнат муҳофазасини ва ижтимоий кафолатларини таъминлаш;

белгиланган муддатларда ваколати доирасига кирадиган масалалар бўйича акциядорларнинг умумий йиғилиши ва жамият Кузатув Кенгашига тегишли ҳисоботларни тақдим қилиш;

акциядорларнинг умумий йиғилишларида иштирок этиш, дивидентлар тўловини вақтида амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси қонунларига, жамият ички норматив ҳужжатлари талабларига қатъий риоя қилиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

8.5. Жамиятнинг бошқаруви раиси ваколатига қуйидагилар киради:

жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш;

ишончномасиз иш юритган ҳолда бошқа ташкилотлар ва давлат органлари билан муносабатларда жамият манфаатларини ифодалаш;

баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг ўн беш фоизгачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида битим тузиш;

шартномалар ва контрактлар тузиш;

банкларда ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисоблар очиш;

жамият тизимини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

жамият тизимига кирувчи ташкилотлардан бир бирига мулкларни олиб бериш;

бўлимлар, жамият филиаллари ва ваколатхоналари, шўъба ва тобе хўжалик жамиятлари, унитар корхоналари раҳбарини тайинлаш, штатлар жадвалини тасдиқлаш;

меҳнат муносабатлари, ишчи хизматчиларни моддий рағбатлантириш, иш ҳақи ва усулларини белгилаш;

жамиятнинг барча ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;

Ўзбекистон Республикаси қонунларига, жамият ички норматив ҳужжатларига асосан бошқа ваколатларни амалга ошириш.

8.6. Бошқарув раиси бошқарув йиғилишларини ўтказди, Бошқарув томонидан қабул қилинган ҳужжатларга ишончномасиз имзо чекади.

8.7. Бошқарув ва Бошқарув раисининг фаолияти «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғриси»даги қонуни, мазкур Устав, акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган “YUGGAZSTROY” АЖ Бошқаруви тўғрисида”ги Низом ва улар билан бир йил муддатга тузиладиган шартнома асосида амалга оширилади.

Жамият Бошқарувининг раиси, жамият бошқаруви аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тегишинча «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғриси»даги Қонун, ва бошқа қонун ҳужжатларида, жамиятнинг мазкур уставда, “YUGGAZSTROY” АЖ Бошқаруви тўғрисида”ги Низомда ҳамда уларнинг ҳар бири жамият билан бир йил муддатга тузадиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади. Шартнома жамият номидан жамият кузатув кенгашининг раиси ёки кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади. Жамият бошқарувининг раиси билан тузиладиган шартномада унинг жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан акциядорларнинг умумий йиғилиши ва жамият кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлиги назарда тутилиши керак.

8.8. Жамият бошқаруви раиси, жамият бошқаруви аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари “YUGGAZSTROY” АЖ Бошқаруви тўғрисида”ги Низомда ва улар билан тузилажак шартномада белгиланади ва жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда

жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш самарадорлигига бевосита боғлиқ бўлади.

8.9. Кузатув Кенгаши жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажарилиши таъминланмаганда, Устав ва шартнома талаблари қўпол равишда бузилганда ёки жамият манфаатларига уларнинг хатти харакатлари билан зарар етказилганда бошқаруви раиси ва аъзолари билан тузилган шартномани муддатидан илгари бекор қилишга ҳақли.

8.10. Бошқаруви раиси билан тузилган шартнома муддатидан илгари бекор қилинганда Кузатув Кенгашининг қарори билан белгиланган шахс бошқарув раиси манфаатини бажаради.

9. ЖАМИЯТНИНГ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

9.1. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун жамият уставида мувофиқ акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга 3 кишидан иборат тафтиш комиссияси сайланади.

Жамият тафтиш комиссиясининг фаолият кўрсатиш тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган низомда белгиланади.

Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш тафтиш комиссиясининг, акциядорлар умумий йиғилишининг, жамият кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгаллик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра жамият кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият яқунлари бўйича амалга оширилади.

Жамият тафтиш комиссиясининг ёзма талабига кўра жамият ижроия органида мансабни эгаллаб турган шахслар жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тафтиш комиссиясига (тафтишчига) тақдим этиши шарт.

9.2. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш яқунларига кўра жамиятнинг тафтиш комиссияси хулоса тузади, бу хулосада:

жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо;

бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга ошириляётганда қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт.

9.3. Тафтиш комиссияси жамиятда аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани ҳар чоракда жамият кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқади. Ушбу Уставнинг 9.2. моддасида кўрсатилган ахборотни ўз ичига олган хулоса акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида эшитилади.

9.4. Жамият тафтишчиси ёки тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида жамият кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек айна шу жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаши мумкин эмас.

9.5. Тафтиш комиссияси аъзоларига хизмат вазтиифаларини бажариш жараёнида тўланадиган ҳақ ва компенсациялар белгиланиши мумкин ва тўланаши мумкин бўлган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари “YUGGAZSTROY” АЖ тафтиш комиссияси тўғрисида”ги Низомда белгиланади.

9.6. Тафтиш комиссияси фаолияти тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган “YUGGAZSTROY” АЖ тафтиш комиссияси тўғрисида”ги Низом бир тартибга солинади.

9.7. Жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати жамиятнинг кузатув кенгашига ҳисобдордир.

Жамиятнинг ички аудит хизмати жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун ҳужжатларига, жамият уставига ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-қоидаларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

Жамиятнинг ички аудит хизмати ўз фаолиятини, агар қонунда ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ амалга оширади.

9.7. Жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун ҳужжатларига, жамият уставига ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-қоидаларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қилиш учун жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилади.

Ички аудит хизмати жамиятнинг кузатув кенгашига ҳисобдордир.

9.8. Аудиторлик ташкилоти жамият билан тузилган шартномага мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жамият молия-хўжалик фаолиятининг текширилишини амалга оширади ва унга аудиторлик хулосасини тақдим этади.

Аудиторлик ташкилоти жамиятнинг молиявий ҳисоботи ва молияга доир бошқа ахборот ҳақидаги нотўғри хулосани ўз ичига олган аудиторлик хулосаси тузилганлиги оқибатида етказилган зарар учун жамият олдида жавобгар бўлади.

9.9. Жамиятда жамият кузатув кенгашига ҳисобдор бўлган ва корпоратив қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш вазифасини бажарувчи жамият корпоратив маслаҳатчиси лавозимини жорий этилади.

Жамият корпоратив маслаҳатчисининг фаолияти жамият кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган низом асосида амалга оширилади.

10. ЖАМИЯТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ

10.1. Жамиятни қайта ташкил этиш акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра кўшиб юбориш, кўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва унвартирини шаклида амалга оширилади.

10.2. Жамиятнинг тугатилиши ихтиёрий равишда ва суднинг қарорига кўра амалга оширилади.

Жамиятнинг тугатилиши ҳуқуқ ва мажбуриятларни ҳуқуқий ворислик тартибда бошқа шахсларга ўтказмаган ҳолда жамият фаолиятини тугатишга сабаб бўлади.

Жамият ихтиёрий равишда тугатилган тақдирда, тугатилаётган жамиятнинг қўлатув кенгаши жамиятни тугатиш ва тугатувчини ёки тугатиш комиссиясини (бундан буён матнда тугатувчи деб юритилади) тайинлаш тўғрисидаги масалани акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун олиб чиқади.

Ихтиёрий равишда тугатилаётган жамият акциядорларининг умумий йиғилиши жамиятни тугатиш ва тугатувчини тайинлаш ҳақида қарор қабул қилади.

Жамият суднинг қарорига кўра тугатилаётганда тугатувчини тайинлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

11. ЯҚУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

11.1. Акциядорлик жамиятини ташкил этилиши, фаолияти, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши, шунингдек акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш воқеасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

